

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Фарғона шаҳри  
2023 йил 5 декабрь

4-1501-2301/8156-сонли иш

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судъси Т.Маматожиёв раислигида, судья ёрдамчиси Р.Рахматовнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили (ишончномага асосан) ХХХни иштирокида, даъвогар «А»нинг жавобгар «Б» масъулияти чекланган жамиятидан 8 408 295 сўмни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича суд биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## а н и қ л а д и:

«А» (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Б» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 8 408 295 сўм қарздорликни регресс тартибда ундиришни сўраган.

Даъвогар суд мажлисида ўз кўрсатмаларини баён қилиб, жавобгарнинг корхонасида ишлаган Р.Амоновга белгиланган тартибда тўловлар амалга оширилиб келинаётганлиги ва бугунги кунга қадарли жавобгар томонидан тўловлар амалга оширилмасдан келинаётганлиги сабабли даъвони қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддаси биринчи қисмига кўра, агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади деб белгиланган.

Шу сабабли суд, жавобгарни суд мажлиси куни ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганлиги сабабли унинг иштирокисиз ишни кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига қараганда, фуқаро Р.Амоновга, жавобгар жамиятда ишлаган даври учун даъвогар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан имтиёзли пенсия тайинланган ва ҳар ойда пенсия пули тўлаб келинган. Мазкур пенсия пули ҳар ойнинг 10 санасига қадар жавобгар томонидан ўтказиб берилиши лозим бўлсада, 8 408 295 сўмлик тўловлар амалга оширилмаган.

Даъвогар томонидан жавобгарга ушбу тўловларни ўтказиб бериш ҳақида талабнома юборилган бўлсада, жавобгар томонидан эътиборсиз қолдирилган.

Натижада, даъвогар судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан 2023 йил 1 июндан 2023 йил 31 октябрь кунига қадарли жами 8 408 295 сўмни регресс тартибда ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.12.2014 йилдаги 357-сонли Қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3.-бандига кўра, пенсионернинг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими ҳар ойда кейинги ойнинг 1-санасига қадар ташкилотга меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсияларини тўлашга харажатларни қоплаш тўғрисида регресс талабномани юборади.

Ушбу Низомнинг 6.-бандига кўра, пенсионернинг ҳисобга турган жойи бўйича Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари мазкур Низомнинг 3-бандига кўрсатилган пенсияларни тўлашга сарфланган маблағларнинг, улар ташкилотлар томонидан ўз вақтида



тўланмаган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ регресс даъво аризалари бўйича ташкилотлардан ундирилишини таъминлайдилар.

Низомнинг 13-банди иккинчи хатбошисига кўра, пенсия жамғармасининг ташкилот солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маблағларни, улар ташкилотлар томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, регресс даъволар бўйича ташкилотлардан ундириб олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 66-моддаси 2, 3-қисмларига мувофиқ, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш, шунингдек ходим ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлгунга қадар ушбу Қонун 12-моддасининг “б”-“ж” бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказадилар.

Пенсионер ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ёшга тўлгунга қадар ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади деб белгиланган.

Ушбу ҳуқуқ нормаларига асосан суд, жавобгарнинг важлари асослантивучи далиллар билан тасдиқланмаганлиги сабабли даъвогарнинг жавобгар ҳисобидан 8 408 295 сўм қарздорликни регресс тартибда ундириш талабини асосли деб ҳисоблаб, қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади деб белгиланган.

Юқоридагиларга асосан суд, даъво аризани қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгар ҳисобидан регресс тартибда 8 408 295 сўм қарздорликни ҳамда тўланган 33 000 сўм почта харажати ундиришни ҳамда жавобгардан Республика бюджетига 330 000 сўм давлат бојини ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 129,170, 176-179 моддаларини қўллаб,

## Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Даъвогар «А» фойдасига жавобгар «Б» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан регресс тартибда 8 408 295 сўм қарздорлик ҳамда 33 000 сўм почта харажати, жами 8 441 295 сўм ундирилсин.

Жавобгар «Б» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 330 000 сўм давлат боји Республика бюджетига ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига ундирилсин.

*Ишда иштирок этувчи шахслар бир ой муддат ичида суднинг ажрими устидан шу суд орқали Фаргона вилоят иқтисодий судига апелляция шикоятини (протест) келтиришига ҳақли.*

**Раислик этувчи:**

**Т.Маматожиёв**

